

МТМХҚТМОРЎМ Марказининг
ривожлантирувчи таълим,
ўйин-ўйинчоқлар бўлим
бошлиғи Г. Бабаярова.

Боғча ёшидаги болаларнинг ўйин фаолиятлари ва унда ўйинчоқларнинг ўрни

Соғлом болани тарбиялаб вояга етказиш кенг қамровли вазифа бўлиб, уни оила, мактабгача, умумтаълим мактаби, мактабдан ташқари таълим, соғлиқни сақлаш, спорт муассасалари, маҳалла, жамоатчиликнинг ҳамкорлигига амалга ошириб борилади. Булар орасида мазкур масала бўйича мактабгача таълим муассасаларида амалга ошириладиган вазифалар алоҳида ўрин тутади.

Боғча ёшидаги болаларнинг энг асосий фаолиятлари ўйиндир. Асосий фаолият деб боланинг айни шу ёшида тез-тез кўзга ташланиб турадиган хатти-ҳаракатларига айтамиз. Асосий фаолият шундай фаолиятки, бу фаолият туфайли боланинг психик жиҳатдан ўсишида жиддий ўзгаришлар юз беради.

Ўйин шу қадар универсал, шу қадар кўп қиррали ва қудратли фаолиятдирки, боғча ёшидаги болаларни ўйиндан бошқа камолотга етказувчи бирор бошқа фаолият турини тасаввур этиш қийин. Ўйин болалар учун улар организмининг табиий эҳтиёжи ҳисобланади. Болаларнинг ўйинлари асосан катталарнинг иш-ҳаракатларига, ҳаётин урф-одатларига маҳсус равишда тақлид қилишдан иборат бўлади. Болаларнинг ўйин фаолиятлари уларнинг жисмоний ва психик жиҳатдан гармоник равишда ўсишлари учун бирдан-бир воситадир. Болаларнинг ўйинда қандай бўлса, катта бўлганида ишда ҳам кўп жиҳатдан шундай бўлади

Ўйин болалар ҳаётида шундай универсал фаолиятдирки, унда болаларга мансуб бўлган меҳнат ҳам, нарсалар ҳақида тафаккур қилиш ҳам, санъат ҳам, хаёл, хиссиёт, дам олиш ва хушчақчақлик манбаларн ҳам мужассамлашгандир, яъни мана шу процессларнинг барчаси боланинг ўйин фаолиятида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ўйин болалар талаб қилаётган даражадаги тўла қонли ҳаётни таъмин эта олади. Ўйиннинг болаларни

мафтун этувчи кучи ҳам шундадир.

Боғча ёшидаги болаларнинг тобора ортиб бораётган турли эҳтиёжлари билан уларнинг тор имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршилик қандай йўл билан ҳал қилинади? Бу қарама-қаршилик фақат биргина фаолият орқали, яъни болаларнинг ўйин фаолиятлари орқалигина ҳал қилиниши мумкин. Чунки, *биринчидан*, болаларнинг ўйин фаолиятлари қандайдир моддий маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолият эмас. Психологик жиҳатдан олганда, болаларни ўйинга ундовчи сабаб (мотив) ҳам ўйиндан келиб чиқадиган натижага эмас (ўйиндан кўпинча ҳеч қандай натижа келиб ҳам чиқмайди), балки айни шу ўйин процессидаги турли ҳаракатларнинг мазмунига боғлиқдир. *Иккинчидан* эса, болалар ўйин жараёнида ўз ихтиёрларидағи нарсаларни уларни қизиктирган, аммо катталаргагина мансуб бўлган нарсаларга айлантириб (чўпни от қилиб, стулчани автомашина қилиб), кучлари етганча эркин фаолиятда бўла берадилар. Шундай қилиб, боғча ёшидаги болалар атрофларидағи катталар учунгина мансуб бўлган, ҳали ўзларининг кучлари ҳам, ақл-идроклари ҳам етмайдиган жуда кўп нарсаларни фақат ўйин фаолияти орқали ўзлаштирадилар. Боғча ёшидаги болалар ўйин фаолиятининг психологик моҳияти ҳам ана шундан иборатдир. Демак, боғчадаги таълим-тарбия ишларининг муваффақияти кўп жиҳатдан болаларнинг ўйин фаолиятларини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил қила билишга боғлиқдир.

Боғча ёшидаги болалар ўйин фаолиятларининг яна бир психологик хусусияти шундан иборатки, ўйин процессида боланинг қиласидиган хатти-ҳаракатлари ва бажарадиган роллари кўпинча умумийлик характерига эга бўлади. Болалар ўзларининг турли-туман ўйинларида фақат ўзларига таниш бўлган ёлғиз бир шофёрнинг, милиционернинг, тарбиячининг, учувчининг хатти-ҳаракатларинигина эмас, балки умуман шофёрларнинг, милиционерларнинг, тарбиячилар ҳамда учувчиларнинг хатти-ҳаракатларини акс эттирадилар. Албатта, турмуш тажрибалари ҳали жуда оз бўлган ва фаолият доиралари жуда чекланган кичик ёшдаги болалар (баъзан кичик гурух

болалари ҳам) ўзларининг ўйинларида конкрет одамларни ва уларнинг ҳаракатларини акс эттирадилар. Масалан, ойисини, адасини, акаси ёкн опасини, тарбиячисини ва шу кабиларнинг ҳаракагларини акс эттирадилар. Ўрта ва катта гурух болаларининг ўйинларида бундай образлар умумийлик характерига эга бўла бошлади.

Боғча ёшидаги болаларнинг ўйин фаолиятлари ҳақида гапирар эканмиз, албатта уларнинг ўйинчоқлари масаласига ҳам тўхтаб ўтишимиз керак.

Болалар ҳаётида турли ўйинчоқларнинг роли ғоят катта эканлиги маълум. Биз болалар ўйинчоғи масаласини катта ёшдаги кишиларнинг қандай ўйинчоқни ёқтириш-ёқтирмаслигига қараб ҳал қила олмаймиз. Биз болалар ўйинчоғи масаласини болага қандай ўйинчоқ ёқиши ва зарурлиги нуқтаи назаридан ҳал қилишимиз зарур.

Муҳими—қайси ёшдаги болага қандай ўйинчоқ кераклигини билишdir. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ҳамма нарсадан кўра ўйинчоқ зарур.

Бу фикр ҳақатан ҳам тўғри. Болаларга ҳар турли ўйинчоқларни бефарқ равиша беравериш ярамайди. Болаларга ўйинчоқ беришда уларнинг ёш хусусиятларини, тараққиёт даражаларини ва, айни вақтда, уларни кўпроқ нималар қизиқтиришни ҳисобга олиш керак бўлади. Буни тарбиячилар ҳам, ота-оналар ҳам жуда яхши билишлари керак.

Маълумки, кичик ёшдаги боғча болаларининг турмуш тажрибалари ҳали жуда оз, улар ташқи муҳит билан яхши таниш эмаслар. Улар ҳаттоки нарсаларнинг рангини, ҳажмини ҳам яхши ажратадилар. Ана шуни ҳисобга олиб, кичик ёшдаги боғча болаларига қўғирчоқ билан бирга (албатта қизларга) ҳар хил рангли латтачалар бериш керак. Кўпчилик ҳолларда ўғил болалар ҳам латтачаларни мароқ билан ўйнайдилар. Ўғил болалар машиналар билан кўпроқ қизиқсалар ҳам, латтачалар билан уйни жиҳозлайдилар, машиналарга кўрпачалар қилиб соладилар.

Кичик гурух болаларига улар учун тамоман нотаниш бўлган ўйинчоқларни бериш ярамайди. Мактабгача тарбия ёшидаги кичик болаларга фил, йўлбарс, айиқ каби ўйинчоқларни бериш керак эмас, чунки улар ҳали бу

ҳайвонларнинг тиригини кўрмаганлар. Бола ўйинчоқ айиқчани фақат юмшоқлиги ва оёқчалари қимирлаши учунгина севади. Унга майин қилиб ишланган ўйинчоқ мушук, ит, от берган яхшироқ, чунки бола бу ҳайвонларнинг тиригини кўрган ёки кўриши мумкин.

Ўрта ва катта гурӯҳга мансуб бўлган боғча болалари ўйинчоқлар билан ўйнаганларида ҳам гурӯҳ (жамоавий) бўлиб ўйнашни ёқтирадилар. Чунки уларни кичик гурӯҳ болалари каби айрим нарсалар эмас, балки атрофларидағи энг яқин одамларнинг (масалан, ойиси, дадаси, aka ёки опаси, тарбиячиси, мудира опаси каби) қандай ишлар билан машғул бўлаётганликлари кўпроқ қизиқтиради. Бинобарин, улар юқорида айтиб ўтганимиздек, ўзларининг ўйинларида (хаттоқи ўйинчоқлар билан ўйнайдиган ўйинларида ҳам) катта одамларнинг турли фаолиятларини тақлидан такрорлайдилар. Шунинг учун бу ёшдаги боғча болаларига кўпроқ уй-рўзғор ишларига доир, касбларга доир ва картон қоғоздан ясалиб, қирқилган ҳар турли одамларнинг (ёш бола, хотин киши, эркак киши каби) образларини билдирувчи ўйинчоқларни бериш керак.

Ҳар қандай ўйинчоқ болаларнинг ҳиссиётларини уйғотиб, турли эҳтиёжларини қондириб, ижодий кучларини ишга солади ва, бинобарин, ўйин давомида ҳис-туйғуларини янада кучайтириб, янги қизиқиш ҳамда янги эҳтиёжларини юзага келтиради. Бу жиҳатдан олганда, ўйинчоқларнинг бола шахсий хислатларини тарбиялашдаги роли ғоят каттадир.

Шундай қилиб, боғча ёшидаги болалар ҳаётида, уларнинг психик жиҳатдан нормал ривожланишларида жуда катта аҳамиятга эга бўлган ўйинчоқлар масаласига фақат тарбиячиларгина эмас, балки ота-оналар ҳам жиддий эътибор билан қарашлари лозим.